БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 11 сентябрь Сешанба

№ 172 (13.608). Баҳоси 3 тийин.

● ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ ●



ДОРИЛФУНУНДА ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

Тошкент Давлат дорилфунунининг биринчи курсига кирган талабаларни тантанали равишда табриклаш маросими бўлди. Бу маросимда олий ўқув юртининг муаллимлари, фирқа ва шўро идораларининг, вазирликлар ва маҳкамаларнинг вакиллари қатнашдилар. 2200 талабанинг ҳар бирига топширилган ёднома шундай сўзлар билан бошланади: «Қадрли дўст! Энди сен Ўрта Осиёдаги энг кекса олий ўқув даргоҳларидан бири В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг талабасисан. Сени табриклаймиз!».

Талабаларнинг бу галги байрами шонли сана — дорилфунуннинг 70 йиллигига бағишланди. В. И. Лениннинг Декретига мувофиқ барпо этилган ва Шарқдаги илм-фан маскани бўлиб қолган бу олийгоҳ дастлабки пайтларда Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларидан ва Қозоғистондан келган йигит-қизларни ўқишга қабул қилган эди. Ҳозир бу ерда 40 дан кўп миллатга мансуб 11 мингга яқин талаба, шунингдек дунёнинг 35 мамлакатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов янги талабаларга мурожаат этиб нутқ сўзлади. Малакали кадрлар ўчоғи бўлмиш дорилфунун халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари учун ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқда, деб таъкидлади у. Иқтисодий мустақиллик йўлига ўтиб олган жумҳуриятга ҳозир саводли ва ижодий фикрлайдиган кишилар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Илм-фанни сабот билан эгаллашга интилиш, ўз истеъдоди ва қобилиятини Ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга иштиёқмандлик — ҳар бир талабанинг бурчидир.

ТошДД ректори, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов байрамнинг барча қатнашчиларини янги ўқув йили бошланганлиги билан табриклади.

Дорилфунун майдонидаги байрам охирида катта концерт қўйилди, уни ТошДД талабаларининг ижодий жамоаси — ҳаваскор театрлар — «Саратон — 89» халқаро конкурсининг лауреати «Маятник» студияси, «Ўзбекистон қизлари» рақс жамоаси, «Хушрўй» ашула-чолғу дастаси тайёрлаган эди.

Тошкент дорилфунуни байрамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

* * *

Суратларда: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг талабалар билан учрашув пайти.

Р. НУРИДДИНОВ суратлари.
(ЎзТАГ).



ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВДАН ҲАММА МАНФААТ КЎРАДИ

М. С. Горбачев билан Ж. Буш музокаралари

СССР Президенти М. С. Горбачев 8 сентябрь куни Москвадан Хельсинкига жўнаб кетди. Бу ерда у АҚШ Президенти Ж. Буш билан учрашади.

Внуково аэропортида М. С. Горбачевни СССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, СССР Олий Шўросининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе, Президентлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетдилар.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ, 9 сентябрь. **(СИТА махсус мухбирлари).** Бугун Финляндия пойтахтида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокара чоғида Форс кўрфазидаги аҳвол ва бошқа халқаро муаммолар, икки томонлама муносабат масалалари муҳокама қилинди.

...Эрталаб соат 10. Президент саройи ёнида М. С. Горбачев билан Ж. Бушни Финляндия Президенти Мауно Койвисто кутиб олади. СССР ва АҚШ раҳбарлари қўл олиб кўришадилар. Уларни журналистлар, кино ва фотокамераларни ушлаб олган кишилар қуршаб олган эди, кўпдан-кўп аппаратлар чақнаб турарди. Совет рассомининг М. С. Горбачев Ж. Бушга топширган ўртоқлик ҳазили ҳозир бўлган кишиларда зўр қизиқиш уйғотди. Унда иккала буюк давлатнинг раҳбарлари рингдаги боксчилар қиёфасида тасвирланган. Ҳакам қиёфасидаги ер курраси иккала раҳбарнинг қўлини баланд кўтариб, иккovлари ғалаба қозонганликларини билдириб турибди. Мағлуб бўлган баҳайбат махлуқ — «совуқ уруш» уларнинг оёғи остида. Расмнинг рамзий маъноси бор. Зеро мамлакатларимиз раҳбарларининг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайли дунё кўп жиҳатдан хавфсизроқ бўлиб қолди, бундан эса ҳамма манфаат кўрди.

Бу учрашув турли мамлакатларда зўр қизиқишга сазовор бўлаётганининг сабаби ҳам шу. Халқаро матбуот, радио ва телекўрсатувнинг бугунги шарҳлари ҳам шундан яққол далолат беради. «Биз учрашув натижаларини ҳаяжон билан кутаяпмиз, у дунёнинг тақдири учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади, — деди Ғарбий Германиядаги АРА телекомпаниясининг шарҳчиси. — Бу ерда коллектив хавфсизликнинг янги тартибига пойдевор қўйилади, деб умид қилгимиз келади». Англияда чиқадиган «Санди таймс» рўзномасининг фикрича, Оқ уй Хельсинкидаги учрашувни «совуқ уруш» тугаганидан кейинги даврда жаҳонда ўта буюк давлатлар маҳаллий можароларни бартараф этишда ҳамкорлик қиладиган тартибни вужудга келтиришнинг бошланиши деб ҳисобламоқда.

«Хельсинкида уруш тўғрисидаги масала ҳал этилмайди, бу ерда тангликларни ҳал этишга ва уларнинг олдини олишга хизмат қиладиган янги тинчлик тузилмасининг негизлари яратилади», — деб умид қилади Финляндиянинг етакчи «Хельсингин саномат» рўзномаси. Америкада чиқадиган «Вашингтон пост» рўзномаси ҳам икки буюк давлат ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги руҳи ҳақида бундай деб ёзади: «Жорж Буш билан Михаил Горбачев илгари ҳам учрашишган. Бироқ олий даражадаги бугунги қисқа учрашув «совуқ уруш» давридан жуда кескин фарқ қилади. Ўша даврда Москва билан Вашингтон муқаррар равишда қарама-қарши томонларга ўтиб олишар эди». Эн-Би-Си телекомпаниясининг шарҳчиси эса бу фикрни яна ҳам лўнда қилиб: «Аввалги мухолифлар муштарак муаммоларни ҳал этиш учун биргаликда ишламоқдалар», деб ёзди.

Президентларнинг иш тартибида ички сиёсатга оид долзарб масалалар белгиланган. Шўро Иттифоқида иқтисодиётни қайта қуриш, бозор омилларини ҳаракатга келтириш программаси қиёмига етказилмоқда, Қўшма Штатларда давлат бюджетининг камомади хусусидаги мунозара давом этмоқда. Бироқ халқаро барқарорлик иккала мамлакат учун мутлақ энг муҳим соҳадир. Давлат бошлиқларининг иш ҳафтаси ички муаммолар билан нақадар тўлиб-тўшган бўлмасин, халқаро вазият Финляндия пойтахтидаги шу учрашувни зудлик билан ўтказишни талаб қилди.

Айни шу боисдан ҳам бугун Президент саройи ёнида эрта тонгданоқ юзлаб кишилар кутиб туришар эди. Учрашув ташкилотчилари музокара ўтказиш учун бир неча жойни чамалаб кўришди, шу жумладан «Мокисимон дипломатия» усулидан фойдаланиб, СССР ва АҚШ элчихоналарида навбатма-навбат кенгаш ўтказиш таклиф қилинди. Финляндия Президенти Койвисто ўзининг расмий қароргоҳини лутфан уларнинг ихтиёрига бериб, масалани ҳал қилди.

Бозор майдонида ўн тўққизинчи аср бошларида қурилган сарой — Финляндия тарихининг ёдгорлигидир. Пер Грандстедт ижод этган бу бино меъморчилик услуби жиҳатидан ўтган асрдаги рус классицизмининг энг зўр намуналарини эслатади. 1919 йилдан бошлаб бу сарой давлат бошлиғининг расмий қароргоҳига айланди ва ўша пайтдан бошлаб бу ерда мамлакат турмушидаги энг муҳим ва тантанали воқеалар ўтказиладиган бўлиб қолди.

СИТА мухбирлари майдонда йиғилган Хельсинки аҳолисига мурожаат этиб, бу ерда ўтказилаётган учрашув хусусидаги фикрларини айтишни сўрадилар. Автомагазин сотувчиси Йорма Краветти бундай деди: «Михаил Горбачев билан Жорж Буш ҳозир Президент саройида муҳокама қилаётган масалалардан бири Форс кўрфази атрофидаги мушкул вазиятдир. Бироқ, назаримда, Европани бирлаштириш жараёни, шунингдек Шарқий Европа мамлакатларида ва, айниқса, Совет Иттифоқида ҳал этилиши лозим бўлган иқтисодий муаммолар ҳам жуда муҳим.

СССР ва АҚШ раҳбарлари яқин шарқдаги ва бизнинг қитъамиздаги халқаро муаммоларни тинч ҳал этишга кўмаклашадиган қарорлар қабул этишларига тилакдошман. Финляндия Президенти Мауно Койвисто олий мартабали меҳмонларни Хельсинкида учрашишга таклиф этиб, шу тариқа барча финларнинг, шу жумладан менинг ҳам фикримни ифодалаб берди, деб ҳисоблайман».

«Бир киши — Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайнни назарда тутаман — умуман минтақадаги тинчликни хавф остига қўя олиши даҳшатли бир ҳолатдир, — деди пенсионер аёл Аунэ Пююккенен. — Агар Ироқ Қувайтни босиб олмаганида, дунёдаги вазиятни осойишта деб ҳисоблаш мумкин бўлур эди, чунки қитъамизда ва умуман ер юзидан қуролланиш пойгасига чек қўйилди. Мен олий даражадаги учрашув қатнашчиларига сидқидилдан муваффақият тилайман, тажовузкор тинч йўл билан тўхтатилишини истайман».

СССР Президентининг ёрдамчиси, матбуот шўбасининг раҳбари В. Н. Игнатенко билан АҚШ Президентининг ёрдамчиси, Оқ уйнинг матбуот котиби М. Фицуотер биргаликда брифинг ўтказиб, икки раҳбар музокараларининг дастлабки якунлари билан журналистларни таништирдилар. Шўро вакилининг маълум қилишича, музокараларнинг биринчи даврасини президентлар яккама-якка ўтказдилар. Бу давра икки соату эллик минут давом этди. Америка вакилининг таъкидлашича, президентлар яхши учрашув ўтказдилар. Бу учрашув деярли батамом Форс кўрфази атрофидаги вазиятга бағишланди. Совет Иттифоқи билан АҚШ бу минтақадаги вазиятга жуда жиддий қараётганликларини якдиллик билан таъкидлаймиз. Ж. Буш билан М. С. Горбачев БМТнинг тегишли қарорларини муҳокама қилдилар ва шу қарорлар тўла амалга оширилишига биргаликда ҳаракат қилиш ниятидадирлар. В. Н. Игнатенконинг гапларига қараганда, СССР Президенти музокаранинг биринчи давраси якунларини жуда умидворлик билан баҳолади. Учрашув жуда ижобий руҳда ўтмоқда. Ўтган йилнинг ёзида М. С. Горбачев АҚШга ташриф буюрган пайтда шу муҳитга Кэмп-Дэвидда асос солинган эди ва томонлар шуни тасдиқладилар. БМТнинг аҳамияти ҳақида муҳим гаплар бўлди.

Бугун СССР ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе билан АҚШ давлат котиби Ж. Бэйкер ўртасида учрашув бўлганлиги брифингда маълум қилинди.

СССР ва АҚШ президентлари кечқурун биргаликда журналистлар билан суҳбат ўтказиб, музокаранинг мазмуни ва унда қабул этилган қарорлар ҳақида муфассал гапириб бердилар. (Журналистлар билан суҳбат ҳақидаги ҳисобот рўзномаларда эълон қилинади). Музокара охирида қўшма баёнот қабул қилинди.

Ўша куни кечқурун М. С. Горбачев Ватанига жўнаб кетди. СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе ва Президентлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков ҳам М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетдилар. Хельсинкининг халқаро аэропорти Вантаада уларни М. Койвисто, Финляндия жумҳуриятининг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Дмитрий ГОРОХОВ,
Владимир ДОДОНОВ,
Войтто ЛЕСКИНЕН,
Аркадий ПРИСЯЖНИЙ,
Александр СУРИКОВ,
Виталий ЧУКСЕЕВ.

* * *

СССР Президенти М. С. Горбачёв 9 сентябрь куни Хельсинкидан Москвага қайтиб келди. У Хельсинкида АҚШ Президенти Ж. Буш билан учрашди.

Внуково аэропортида М. С. Горбачевни СССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, ССР Олий Шўросининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

М. С. Горбачев билан бирга Президентлик Кенгашининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе, Президентлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков қайтиб келдилар.

(СИТА).

ДИЛДАН СУҲБАТ

Ҳаво мавжларида куну-тун бериб борилаётган радио орқали ранг-баранг мавзулардаги эшиттиришлар, дилрабо куй-қўшиқлар жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида ҳар бир кишига йўлдош. Айниқса, оқшом пайтлари хонадонлардаги ойнаи жаҳоннинг «зангори экрани» ўз теграсига каттаю-кичикни тўплайди. Бу ҳар куни ҳар хонадонда такрорланадиган одатдаги оддий манзара.

Кимгадир халқаро воқеалар, шарҳловчилар суҳбатлари, иқтисодий, ахлоқий, одоб, оила ва шунинг сингари мавзулардаги эшиттиришлар ҳамда кўрсатувлар маъқул тушади. Яна кимдир радио орқали ёки «зангори экран»да уйингоҳлардан олиб эшиттириладиган ҳамда кўрсатиладиган футбол мусобақаларини зўр ҳаяжон билан кузатади. Яна бир гуруҳ тингловчилар ўзбек халқ классик куй-қўшиқлари дастасини ёхуд ҳинд кинофильми қўшиқларини дилдан берилиб эшитишади, томоша қилади.

Биз радио орқали эшиттирилаётган ва ойнаи жаҳоннинг «зангори экран»ида намойиш қилинаётган барча мавзуларга тўхталмадик. Хўш, жумҳуриятимиз радио эшиттиришлари ва ойна жаҳони орқали берилаётган кўрсатувлар сизга маъқул бўлаяптими? Сизни қайси мавзулардаги эшиттиришлар ёки кўрсатувлар кўпроқ қизиқтиради? Мана шунга ўхшаш ўз дилингизга тугиб қўйган саволларни **шу йил 12 сентябрь куни соат 14 дан 16 гача бўладиган Ўзбекистон Шўролари Ижтимоий Жумҳурияти ойнаи жаҳон кўрсатувлари ва радио эшиттириш Давлат қўмитасининг раиси Ганжа Ёқубович ЁҚУБОВ билан бўладиган «Дилдан суҳбат»да беришингиз ёки ундан олдин хат орқали таҳририятимизга юборишингиз мумкин. Бунинг учун қуйидаги телефонларга ўша куни қўнғироқ қилинг: 33-95-97, 32-55-84.**

УЗБЕКИСТОНЛИК БИР ГУРУҲ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ

МУРОЖААТИ

СССР Олий Шўроси ва СССР Олий Шўроси Президиумига.

СССР Олий Шўроси Раиси А. И. ЛУКЬЯНОВга

СССР Олий Шўроси Олмаота, Сумгаит, Фарғона, Уш вилоятларидаги ва Қўқон, Янги Узен, Душанбе шаҳарларидаги фожиали воқеаларга сиёсий баҳо бермади.

Тифлис ва Бокудаги фожиаларни текшириш ҳамда муҳокама қилиш тўлиқ ва ҳар томонлама бўлмади. Натижада жиноятларнинг асосий айбдорлари ва ташкилотчиларининг номи ҳанузгача айтилмади ва жавобгарликка тортилмади. Бу ҳол миллатлараро қонли низоларнинг давом этишига омил бўлмоқда.

Биз Фарғона вилоятидаги (июнь, 1989 йил), Қўқон шаҳридаги (7-8 июнь, 1989 йил) ва Уш вилоятидаги (шу йил июнь-июль) фожиали воқеаларни ўрганиш юзасидан СССР Олий Шўроси комиссиясини тузиш ниҳоятда зарур деб ҳисоблаймиз.

Уш вилоятида фаолияти зўравонликка ва фожиавий низоларга олиб келган иғвогарларнинг зарбдор гуруҳлари хатти-ҳаракатлари олдинги фожиалардагига қараганда шафқатсизлиги ва ваҳшийлиги билан ажралиб туради.

Уш фожиасига сиёсий баҳо берилмаганлиги ва вазиятни барқарорлаштириш юзасидан комплекс чоралар белгиланмагани Қирғизистон ШИЖ ва Узбекистоннинг қўшни вилоятларида кескинликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ушбу таклифни СССР Олий Шўроси сессияси муҳокамасига киритилишини илтимос қиламиз.

Э. Ю. ЮСУПОВ,
СССР Олий Шўроси аъзоси.
О. ЁҚУБОВ,
СССР халқ депутати.
Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ,
СССР халқ депутати.

Спорт қувонч келтирсин!

Бугунги кунда футбол бўйича биринчи лигада юқори ўринларни қўлга киритаётган Тошкентнинг «Пахтакор» командасига ишончли ҳомий топилди. У қардош Булғориянинг «Левски» (София) футбол клубидир.

Булғор дўстларимиз юртдошларимизга юқори сифатли спорт асбоб-анжомлари билангина эмас, шу билан бирга «Пахтакор» учун халқаро учрашувлар ташкил этиш билан ҳам яқиндан кўмакдош бўладилар.

Аммо ҳар қандай дўстлик мунтазам учрашувлар бўлиб тургандагина мустаҳкам, умрбоқий бўлади. Ана шу мақсадда «Левски» футболчилари Булғория чемпионати бошланишидан аввал серқуёш диёримизга келишди ва икки ҳафтада футболчиларимиз билан бирга машқ қилишди.

9 сентябрь куни «Пахтакор» Марказий стадионида катта театрлаштирилган футбол байрами бўлиб ўтди. У спорт ишқибозларида катта қизиқиш уйғотди. Стадионга 14 мингдан зиёд мухлислар ташриф этишди.

«Пахтакор» ва «Левски» командалари ўртасидаги халқаро футбол учрашуви олдидан майдонга... Ўзбекистонда маълум ва машҳур ҳофиз ва бастакорлар тушишди.

Футбол ўйини ўртасидаги танаффус вақти ҳам бекор ўтмади. Таниқли, ёш кулги усталари Мирза Холметов ва Обид Асомовлар ўзларининг ичакузди чиқишлари билан футбол байрамига ўзгача файз киритдилар.

Ўртоқлик учрашуви майдон эгаларининг узлуксиз ҳужумкорлиги билан бошланди. 30-минутда тошкентлик ярим ҳимоячи Андрей Пятницкий кучли зарб билан ҳисобни очди: 1:0. Орадан беш минут ўтгандан кейин биринчи лиганинг энг кучли ўйинчиси Игорь Шквирин иккинчи голнинг муаллифи. бўлди. Аммо... Танаффус эълон қилинганда ҳисоб 2:2 эди.

Айрим футбол ишқибозлари куюниб «футболчилар келишиб олишган», деган фикрга ҳам боришди. Ўйиннинг иккинчи қисмида бу фикрнинг жуда хатолиги исботланди. Иккинчи қисмда бир неча ёш ўйинчиларни майдонга туширган «Пахтакор» 60 ва 62 минутларда бирин-кетин яна иккита голни меҳмонлар дарвозасига йўллашди. Бу голларни ёш иқтидорли ҳужумчимиз Клочков киритди. Ҳисоб 4:2. Бу рақамлар ўйин сўнгигача ўзгармай қолаверди.

Учрашув тугагач мен «Левски» ҳужумчиси Павло Михтарскийдан («Пахтакор»га киритилган битта тўпнинг муаллифи») тошкентлик футболчиларнинг ўйинлари ҳақида қандай фикрдалигини сўрадим.

— Командангиз жуда кучли, ўзига хос техникага эга, — деди булғор спортчиси, — ёш, умидли спортчилар бор. Оврупо кубоги учун бўладиган ўйинларда «Пахтакор»га қарши тўп суришни жуда хоҳлайман.

«Яхши ният — ярим давлат»... Ким билади, балки севимли командамиз келаси йили фақат олий лигадагина эмас шу билан бирга...

М. АҲМЕДОВ.
Суратчи: Б. ХОЛМИРЗАЕВ.









Самимий, очиқ чеҳра қизнинг касби — тикувчилик. Ўзининг хуш одоби, самарали меҳнати билан элда эъзоз топган.

Тошкентдаги чарм-галантерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида план-топшириқларини ортиғи билан уддалаётган Дилдора Анваровага қараб ҳавасингиз келади. Чунки у ҳаётидан, ишидан мамнун яшайди.

СУРАТДА: Дилдора АНВАРОВА.

Сураткаш Ҳаким СОЛИҲОВ.

Долзарб мавзу

ШАРҚ ЖИЛОСИ СЎНМАСИН

Ҳаммаси ёзги таътил даврида қисқа муддатга Тошкентга келган ленинградлик талаба дўстимнинг ташрифи билан бошланди. Меҳмонни зериктирмаслик учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Унга Тошкентнинг энг гўзал кўчаларини, биноларини, боғларини, каттаю-кичик томошагоҳларини кўрсатдим. Ҳеч нарса уни аждодларимиздан ёдгорлик бўлмиш кўҳна Кўкалдош мадрасасичалик ҳайратга сололмади. Замонавий иншоотлардан фақат Тошкент ер ости йўлларининг ўзига хослиги ва безак ишлари ниҳоясига етмаган янги бозорнинг ташқи кўриниши унинг эътиборини тортди, холос. Аммо мени кейинроқ бошқа бир нарса жуда ажаблантирди. Пойтахтнинг кўзга кўринарли, мақтовга сазовор жойларида қанча кўп бўлганимиз сайин дўстимдаги мамнунлик кайфияти шунчалик тез сўна бошлаган эди. Мен бу ҳолнинг сабабини уч кундан сўнг, дўстим ўз юртига қайтаётганда кўнглиб айтган сўзларидан билиб олдим.

— Сенинг олдингга келаётганимда таърифи оламга машҳур Шарқ шаҳарларидан бирини зиёрат қиламан, деб қаттиқ ишонган эдим, — деди у.

— Самарқанд, Бухоро, Хивадек шаҳарларни барпо этган халқ пойтахтидаги янги қурилишлар ўз миллий меъморчилик анъаналаридан жуда йироқ бўлганлигини кўриб роса ачиндим. Ахир Тошкентнинг бугунги кўриниши Россия ёки Украинанинг исталган бир йирик шаҳаридан жуда оз фарқ қилади. Шундай бўлгач, Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг балки Шарқ марказларидан бирига айланиши ким нима?

Мана неча кундирки, дўстимнинг юқоридаги сўзлари мени оғир ўйлар гирдобига ғарқ қилган. Бу ўйлар гирдобидан сузиб чиқмоққа беҳуда уринаман. Руҳимда яна ўша, дилни пармаловчи, қиличдай кескир, шафқатсиз савол ёнади. «Ўзбекистон ҳали ҳам Шарқнинг бир бўлагими?» Кўзларимни юмаман. Қаршимда қадимий обидаларга бой, гўзал шарқона шаҳарларимиз кўр тўкиб намоён бўлади. Енгил тин оламан. Лекин бир лаҳза фурсат ўтмай бу обидалар юзларидаги вақтнинг аёвсиз бўронлари синовидан омон ўтиб, жоҳиллигимиз ва оқибатсизлигимиз қурбони бўлмиш Оқсарой сингари ҳалокатга томон юз буради. Уларнинг ўрнини эса Оврупо шаҳарларига хос, гугурт кутиларидек бир-бирига ўхшаш, «эгизак» бинолар эгаллай бошлайди. Чўчиб кўзимни очаман. Шууримда рўй берган оний тасаввурдан тўғри хулоса излайман.

Ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар, томонларига бормайлик албатта, қандайдир янги бир қурилишнинг гувоҳи бўламиз. Аммо ҳар қандай мураккабликдан ҳоли, сийқа услубда дунёга келаётган бу бинолар сира ҳам кўнгилни шод қилмайди. Йўқ, мен қурилаётган барча янги бинолар аждодларимиздан бизга мерос қолган ёдгорликлардай умрбоқий, савлатдор ва ранго-ранг бўлсин демайман. Бунинг учун етарли билим, тажриба қолаверса, зўр кўникма зарур эканлигини яхши биламан. Ахир, дунёда бир мусаввир йўқки, биринчи марта қалам тутгандаёқ мукаммал асар яратган бўлсин? Шундай экан ҳеч қачон тажриба ва кўникмага кўз қовуштириб туриб эришиш мумкин эмаслигини назардан четга чиқармаслигимиз керак. Илк ҳаракатларимизнинг меваси ҳеч бўлмаса Навоий театри даражасида бўлишига имоним комил.

Мен ўзимни қийнаётган саволларга жавоб излаб Ўзбекистон меъморлар уюшмасига мурожаат қилдим. Уюшма раисининг ўринбосари М. Эркабоев бу муаммо уларнинг ўзларини ҳам ташвишга солаётганлигини таъкидлаб, батафсил жавобни Абу Райҳон Беруний номидаги политехника институти меъморчилик тарихи ва назарияси кафедрасининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор Ҳ. Салоҳиддиновдан олишим мумкинлигини айтди. М. Эркабоев ҳузуридан кераксиз маълумотларни олиб чиқарканман, миллий меъморчилигимиз тақдири, шаҳарларимиз қиёфаси Уюшма раис ўринбосари айтган даражада ташвишлантираётганлигига шубҳаландим.

— Кўп йиллар мобайнида ишларни марказ буйруқ ва кўрсатмалари асосида ташкил этилганлиги (бу ҳолдан батамом қутулганимизча йўқ ҳали) ҳар соҳада салбий оқибатларни юзага келтирди. Миллий меъморчилигимиз инқирози сабабларидан энг асосийси ҳам шу марказий буйруқбозлик оқибатидир, — деб гап бошлади Ҳамидулла Асадуллаевич мақсадимни англагач.—«Шаклан миллий, мазмунан социалистик», деган ғоя мамлакатимизда қурилган биноларнинг тиниқлаштирилишига олиб келди. Яъни бинолар бир хил андозада қурилиб, уларга миллий сайқал бериш билан чекланилди. Аслида эса шакл миллийликдан келиб чиқиши зарур эди. Биз эса сибирликларга қандай шарт-шароитли иморат қурилган бўлса, Ўрта Осиёликларга ҳам шундай лойиҳани тақдим этдик. Натижада шаҳарларимиз кўрки сийқалашди, бугача шароитли турар жойлар эса кишилар соғлигига ёмон таъсир қилмоқда. 1966 йилгача Политехника институтининг куллиёти қошида меъморчилик бўлимида 30 та талаба таълим олиб, улардан фақат уч нафари туб ерлик аҳоли вакили бўлганлигини айтсам, «Нима учун бугун миллий мутахассислар кам» деган саволингизга жавоб бўлади. Ҳозир меъморчилик бўлими алоҳида куллиётга ажралиб ҳар йили 100 нафар талаба қабул қилмоқда. Миллий талабалар сони 50 нафардан ошмаётир. Ҳамидулла Асадуллаевич миллий меъморчилигимиз ёдгорликларини таъмирлаш ва янги шаҳарлар қуриш режалаштирилиб, бу борада айрим ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Шу йил Ўзбекистон меъморчилиги тарихида биринчи марта уч нафар талаба чизган диплом иши — мадраса ва масжид лойиҳаси муҳокама этилганлигини мамнуният билан қайд этди. Лекин Ҳамидулла ака айтганидек, лойиҳалаш маҳали ходимлар таркибига жиддий ўзгартиш киритилмаса (бу ерда ишловчиларнинг 20 фоизигина маҳаллий халқ вакилларини ташкил этади) яъни Шарқ меъморчилигининг бутун сир-асрорини чуқур тушунадиган, шарқликлар руҳини қалбан ҳис қиладиган мутахассислар ишга жалб этилмаса бундай лойиҳалар келажаги тўғрисида бир нарса дейиш жуда қийин.

Шу йил «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (23 март 12-сон) рўзномасида Тошкент давлат дорилфунуни доценти, ёзувчи М. Худойқуловнинг «Кўпчиликка манзур бўлган «Навоий ёдгорлиги қандай бўлиши керак?» номли таклиф лойиҳаси эълон қилинган эди. Лойиҳада А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб Навоий кўчасининг бўйида, яъни марказий телеграф биносининг рўпарасидаги савдо расталарига тугаш, бўш ётган майдонда ажойиб боғ ташкил этиш ва боғнинг ўртасига Шарқ меъморчилик санъатининг энг гўзал анъаналаридан фойдаланган ҳолда муҳташам ёдгорлик саройи барпо қилиш ғояси илгари сурилган эди. Бу таклиф бошқа 150 фикрлар қаторида Ўзбекистон меъморлар уюшмасида кўриб чиқилиб, эътиборга лойиқ саккиз таклифдан бири сифатида қабул қилинганини кишини қанчалик қувонтирса, унинг келажак тақдири нима бўлади, деган ўй шунчалик ташвишга солади. Балки кимларнидир бу таклифни амалга оширишга кетадиган маблағнинг ҳажми чўчитар, аммо Улуғ шоиримизнинг дурдона асарларини қайта-қайта чоп этиш орқали топилаётган даромадларнинг бир қисмини мана шундай ёдгорликлар қад ростлаш учун сарф этишни ҳам ўйлаганимиз керак-ку, ахир. Ҳар қалай, мазкур таклиф амалга ошса, ёдгорлик улуғ аждодимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимизнинг ёрқин намунаси бўлибгина қолмай, Тошкентнинг аввалги улуғворлигини қайта тиклаш учун қилинган ишларнинг энг шарафлиси ҳам бўлиб қолади.

Шу ўринда яна битта фикр ҳақида тўхталмоқни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Яъни меъморчилигимизда «Шарқ меъморчилиги асосида чизилган энг яхши бино лойиҳаси» конкурси мунтазам ўтказилиб турилса ва конкурс бош совринига талабгор бўлган лойиҳаларни вилоятлар қурилиш бошқармаларига топширилса нур устига аъло нур бўларди. Шу баҳона шаҳарларимиз исми жисмига мос шарқона тус олар ва меъморчилик санъатимиз янада ривож топиб, нураб бораётган қадимий обидаларимизнинг таъмирлаш ишлари осон кўчарди.

Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати туфайли миллий ўзлигимизни тўла англаб етмай туриб кўп миллатли дийримизнинг иқтисодий ва маданий ривожига ҳисса қўшиб бўлмаслигимиз ҳақида кейинги пайтларда ошкора айтилмоқда ва ёзилмоқда. Мамлакатимиз Президенти М. С. Горбачев ўзининг «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш» деган китобида «Ҳар қайси миллий маданият—қимматбаҳо хазина ... тасаввур ҳам қилиб бўлмайди» деб ёзади. Биз бу фикрлардан йироқлашмаган ҳолда миллий маданиятимизнинг бир қисми бўлган меъморчилигимиз санъатига қайта жон бағишлаб, Ўзбекистон ҳали ҳам Шарқнинг йирик маркази эканлигини бутун оламга кўрсатмоғимиз даркор.

Сирожиддин РАУПОВ.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Ишга тикланди

«Ошкоралик ва демократия ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда. Лекин бу қувончли ҳол жумҳуриятимизнинг ҳамма жойларида эмас. Кўпгина жойларда раҳбарларнинг ўзи хон, кўланкаси майдон. Уларнинг мушугини «пишт» дейдиганлар йўқ. Бизнинг Шўрчи ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раҳбари Абрамат Менгбоев ҳам ўшалар жумласидан. Яқинда раис, турмуш ўртоғим Мурод Худойбердиевнинг меҳнат таътилида эканлигидан фойдаланиб ишдан бўшатди. Кўпгина нуфузли ташкилотларга ёрдам сўраб хат ёздик. Ҳаммаси «босди-босди» бўлиб кетмоқда. Хўжалик раиси А. Менгбоев эса бизнинг дардимизга қулоқ солиш ўрнига турли баҳоналар қилмоқда.

Менгул ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Шўрчи ноҳияси Охунбобоев номли жамоа хўжалиги «Култепа» участкаси».

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят шўро ижроқўми раисига юборгандик. Яқинда ижроқўм раиси Т. МЕНГЛИЕВ** имзоси билан жавоб олдик.

Менгул Худойбердиеванинг «Ёш ленинчи» рўзномасига ёрдам сўраб ёзган шикоят хати вилоят ижроқўмида ўрганиб чиқилди:

Фуқаро М. Худойбердиева шикоят хатида турмуш ўртоғи М. Худойбердиевни хўжалик раҳбари А. Менгбоев нотўғри ишдан бўшатганлигини ёзган. Яқинда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида колхозчиларнинг умумий йиғилиши бўлди. «Ёш ленинчи»га ёрдам сўраб шикоят ёзган М. Худойбердиеванинг турмуш ўртоғи М. Худойбердиев хўжаликнинг бош муҳандислик лавозимига тикланди.

Ҳақиқат қарор топди

«Қайта қуришнинг шарофати билан ҳамма жойда ҳақиқат қарор топмоқда. Лекин биз яшаётган Иштихон ноҳиясидаги «Янгикент» давлат хўжалигида ҳақиқатни топиш қийин. Ҳамон меҳнатни биров қилиб, роҳатини бошқа кўради. Хўжалигимизда ошна-оғайнигарчилик авж олган. Раҳбарлардан танишинг ёки қариндошинг бўлмаса, иш топиш қийин. Йил бошида хўжалик раҳбарлари сабабсиз 22 ишчини ишдан бўшатишди. Улар орасида коммунист М. Икромова, В. Одилов, А. Абдуллаевлар бор. Хўжалик директори Н. Мавлоновга, хўжаликнинг фирқа қўмитаси котиби Д. Исроилов ва бош зоотехник Ҳ. Оқбоевларга қилган мурожаатимиз фойдасиз қолмоқда. Нега бизларни ноҳақ ишдан бўшатишади? Айбимиз бўлса айтсин. Ҳақиқатнинг қарор топишида ёрдам берсаларингиз.

Иштихон ноҳияси «Янгикент» давлат хўжалигининг «Қайчили» қишлоғидан М. Икромова, М. Умирзоқов ва бошқалар».

Мазкур шикоятни текшириб, чора кўриш учун **Иштихон ноҳияси ижроқўмига юборгандик. Яқинда халқ депутатлари Иштихон ноҳияси Шўроси ижроқўми раиси З. ЗИЯТОВ** имзоси билан жавоб олдик.

Ушбу шикоят юзасидан ноҳия агросаноат уюшмаси ходимлари текшириш ўтказди. Ҳақиқатан ҳам текширишда «Янгикент» давлат хўжалигидан шикоят ёзган ишчилар, ишдан асоссиз бўшатилганлиги аниқланди. Ижара пудратига ўтишда тушунмасдан чалкашликка йўл қўйган хўжалик ишчилар қўмитаси раиси ва хўжалик зоотехниги қаттиқ огоҳлантирилди.

Рўзномага ёрдам сўраб шикоят ёзганлар иш билан таъминланди. Бекор юрган вақтлари учун меҳнат ҳақи ундириб берилди».

Жиноий иш қўзғатилди

«Энг ёмон кўрган нарсам, бировларнинг устидан юқори ташкилотларга шикоят ёзиш. Лекин начора. Ҳаёт ўзингни ҳимоя қилиш учун ҳамма нарсага мажбур қиларкан. 1979 йил уйландим. Икки йил ўтгач, оиламизда тинчлик йўқолди. хотинимнинг онаси оиламиз ишларига аралашди. 1990 йил 13 февраль куни менинг уйда йўқлигимдан фойдаланган хотинимнинг қариндошлари рўзғордаги нарсаларни олиб кетмоқчи бўлишибди. Мен келганимдан сўнг жанжал бўлди. Мени хотинимнинг уруғлари келиб роса дўппослаб, қонга белаб ташлаб кетишди. Бу ишда хотинимнинг акаси Тожи Абдуллаевнинг ҳиссаси «катта» бўлди. Менинг гуноҳим нима? Болалар уйида тарбияланганимми? Ёки қўлимнинг калталигими? Ҳурматли «Ёш ленинчи»лар, охирги умидим сизлардан. Бу хўрликларга нуқта қўйишда ёрдам берсаларингиз.

Ўрол ХОЛИЁРОВ,
Шеробод ноҳияси Октябрь 60 йиллиги давлат хўжалиги».

Ўрол Холиёровнинг шикоятини текшириб чора кўриш учун Шеробод ноҳияси прокуратурасига юборгандик. Ушбу шикоят юзасидан яқинда **ноҳия прокурори вазифасини бажарувчи Э. АЪЗАМОВ имзоси билан жавоб олдик.**

Ушбу материал юзасидан ноҳия ички ишлар бўлими участка инспектори, милиция катта лейтенанти А. Турсунтошев дастлабки текшириш ишларини олиб борган. 1990 йил 7 март куни ЎзССЖ ЖПКнинг 5-моддаси 2-қисмига асосан Т. Абдуллаев ва У. Холиёровга нисбатан жиноий иш қўзғатишни рад қилган.

Шеробод ноҳияси суд медэкспертизасининг 52-49-сонли хулосаларига кўра У. Холиёров, Т. Абдуллаев ва жанжалга аралашган Орзихол ва Ойнахол Маматовалар енгил тан жароҳати олишган.

Ноҳия прокуратураси томонидан участка инспектори А. Турсунтошевнинг юқоридаги ноқонуний қарори бекор қилинди. Т. Абдуллаевга нисбатан ЎзССЖ ЖКнинг 91-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир дастлабки терговишлари олиб борилмоқда».

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ҲАММАГА

ИЛҒОР хўжаликларнинг чорвачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва уни кўпайтириш тажрибаси эндиликда Андижон вилояти жамоа ва давлат хўжаликлари бош зоотехникларининг мулки бўлиб қолди.

Бу тажрибани ўрганишда уларга шу йил апрель ойида вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузурида очилган деҳқончилик-саноат комплекси раҳбар ходимлари малакасини ошириш жумҳурият олий мактабининг вилоят бўлими жамоаси ёрдам берди.

Бир қанча хўжаликлар чорвадорларининг суст ишлаши туфайли биринчи ярим йилликда давлат андижонликлардан 600 тоннадан кўпроқ гўшт, деярли 1440 тонна сут ва 460 минг дона тухум кам олди.

Ана шу ташвишли рақамлар филиал мутахассисларини «Савай» давлат хўжалиги техникуми негизида шу хўжаликлар бош мутахассислари учун икки ҳафталик курслар ташкил этишга мажбур қилди.

Аксарият машғулотлар энг яхши чорвачилик комплексларида, бўрдоқичилик базаларида, ижарачи жамоалар далаларида ўтказилди. Кўпчилик тингловчиларнинг фикрича, машғулотлар уларга чорвадорлар ишини яхшилаш учун бой материал берди.

Бизни ўйлантираётган муаммолар



«САДАҚА ҚИЛИНГЛАР, садақа. Оллоҳ сафарларингизни бехатар қилсин. Дунё тургунча туринг, илоё бойлигингиз бундан ҳам зиёда бўлсин»...

Бу сўзларни эшитавериб қулоқларимиз кўникиб кетган. Баъзан чўзилган қўллар қуруқ қайтмасин, деб тангa ташлаб ўтамиз. Қўлида ранги ўчиб қолган эски матога ўралган чақалоғи билан зах ерга ястаниб ўтириб олган жулдур кийимли гадо аёл барчага худодан бойлик, узоқ-умр тиламоқда. Лекин нима бўлганда ҳам бойлик йўловчиларга эмас, тилак тилаётган гадонинг ўзига насиб этмоқда. Ўтувчилар кўнгилдан чиқарган пулларини гадога садақага ташлаб ўтишмоқда. Мени бу гадолар кўпдан буён қизиқтирар эди. Уларни нима мажбур этаркин биз уят деб биладиган касб билан шуғулланишга? Наҳотки тирикчилик учун пул топишнинг ўзга чораси йўқ? Бошимни қотирган бу саволларга жавоб топиш учун кўп изланишга тўғри келди. Ниҳоят уларнинг «олами»га кириб боришга, бироз бўлса-да, ички дунёсини тушунишга муваффақ бўлдим.

Муқаддас ҳайит байрами куни эди. Автобусга тиланчи бир чол чиқиб оллоҳ, рамазон ҳақида ваъз айтди. Ҳамма унга садақа бера бошлади. Пулларни у бир чеккадан йиғиштирар ва ваъз айтар эди. Ёнимда ўтирган қиз ҳам садақа бериш учун сумкасини титкилади. Аммо ҳадеганда ҳамёнини топа олмас, чол эса қизнинг ёнидан силжимас, пулини кутаётганлигини билдирмаслик учун нуқул оллоҳ, рамазон ҳайит деб вайсарди. Шу пайт автобус гуриллаб ўт олди. Пулни олишга улгурмай қолаётган бу чол чидолмай оллоҳни ҳам, рамазонни ҳам унутиб «қизим, тезроқ беринг, автобус кетиб қолади», дея ҳайқириб юбориб, барчага кулги бўлди.

Хўш, энди оллоҳни восита қилиб пул ишлаётган бу кимса ҳақида қандай фикр билдириш мумкин? Муштарийлар мени тўғри тушунишсин, лекин барибир бундай пул топиш виждонга хилофдир. Баъзилар ўйлаши мумкин: бечоранинг боқувчиси йўқдир, шунинг учун тиланчилик қилиб кун кечирар. Унда гадоларнинг мақсади нима — қорин тўйдиришми ёки бойлик тўплаш? Фикримча, гадо тирикчилигини ўтказиш учун тиланчилик қилади, эҳтиёжи қонгач, фаолиятни бас қилиш лозим. Биздаги гадолар қулай ерга ўрнашиб олиб, эртадан кечгача оддий ишчининг кунлик иш ҳақига нисбатан 3—4 баробар кўп даромад топадилар ва деярли ҳар куни «ов»ни канда қилмайдилар. Демак, бу тирикчилик эмас, ҳаром хазина тўплашдир. Улар орасида калондимоғлари ҳам учрар экан. Ҳамроҳим бир садақачига 5 тийин берганда у пулни кўриб «ўғлим нима бу?» — деб қайтариб берганини ҳалигача кулиб эслайди. Қизиқда, тиланчи 5 тийинни назарга илмаган.

Бир куни Талабалар шаҳарчасидаги ошхонада сифатсиз тайёрланган овқатни тановвул этолмай ўрнимдан турдим. Шу заҳоти 40 ёшлар атрофидаги киши келиб, қолган овқатни ёввойи иштаҳа билан тушира бошлади. Унинг уйқусизликдан қизарган кўзлари қошиқни ҳар оғзига олиб борганда атрофга олазарак боқиб қўярди. Эгнидаги кўйлакни қачон ювилганлигини ҳатто тахмин қилишга ҳам киши ожиз эди. Ажин босган, қорайган юзига кўпдан бери сув тегмаганлигидан пашшалар уймалаша бошлади. Кўнглим беҳузур бўлиб, ташқарига чиқиб кетдим.

Бундай одамлар бизда битта ё иккита эмас — ўнлаб-юзлаб топилади. Вокзал, ер ости йўлларида ўтириб олиб тиланчилик қиладиган гадоларни ҳар куни учратиш биз учун оддий ҳол. «Ҳа тиланчида» — деймиз-у бепарво ўтиб кетамиз. Лекин мурғак боласини ёнига ўтқазиб олиб, мунгли оҳангда йўловчилар қўлига термулаётган озғин, эти устухонига ёпишган аёлларни кўрганда ҳар қандай бағритошнинг юраги эзилса керак. Мен бу гадоларнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганиш учун улардан бирини бир соат давомида кузатдим. Барчага бахт тилаб тинмай жавраётган гадонинг «хазина»сига 45 ёшлар чамасидаги, тўладан келган, оппоқ юзли аёл танга ташлади. Мен уни тўхтатиб садақа беришининг сабабини сўрадим. Унинг оппоқ юзига уялгансимон табассум югурди-да, кулиб жавоб берди: ўғлимнинг қўлига сўгал чиққан экан, унинг бошидан тангани айлантириб, девонага атагандим, ҳозир шуни бердим. Гадо ўтиб бораётган ҳар бир йўловчига мослаб сўзлар эди. Мисол учун бир йигит ва қиз қўлтиқлашиб ўтаётган эди, дарров уларга бахтли ҳаёт, қўчқордек ўғил тилади. Хурсанд бўлган йигит уни 3 сўм билан сийлади. Улар узоқлашгач ёшгина ўғлини етаклаб келаётган киши кўринди. Йиғи аралаш нидо қилувчи тиланчилардан фарқ қилувчи сўзга чечан бу айёр гадо ўғилчага «шаҳзода бахтини, подшо тахтини» тилаб яна мақсадига етди. Шу пайт жингалак сочли, қорачадан келган, оқ кўйлагини тўлдириб турган қоматини ғоз тутиб хорижий йигит келди-да, беш сўмликни ташлади. Нима мақсадда садақа берганлигини сўрадим. У бироз ҳайрон бўлиб туриб, «Нима, сизларда садақа бериш ҳам тақиқланганми?»— деб сўради. Мен ўз мақсадимни тушунтирганимдан сўнг араб йигит бундай одамларга юраги ачишини айтди. Афтидан, у Тошкентга янги келган бўлса керак. Ярим соат давомида 28 киши садақа ташлади. Уларнинг 25 таси ўзбек, 2 араб йигит, 1 таси рус аёл эди. Ҳисоблаб кўрсак, шу қисқагина вақт давомида тахминан 14 сўмдан ошиқ пул қаҳрамонимиз «хазина»сига келиб тушибди.

Садақа берувчиларнинг аксар қисми ўзбеклар эканлиги диққатимни тортди. Уларнинг 10 тасига: «Нима мақсадда садақа бердингиз?» — деган савол билан мурожаат қилганимда, барчаси «ишим ўнгидан келиши учун» ёки «ёмон туш кўрган эдим»,— дея жавоб беришди. Араб йигитларнинг жавоби ўзгача бўлди. Улар фақир бу гадога раҳми келганидан ёрдам тариқасида садақа берганликларини айтишди. Тиланчига бир қараб ўтиб бораётган бошқалардан 4 тасига гадолар тўғрисидаги фикрларини сўраганимда «ишлаб ўзи пул топсин, ногирон бўлса оиласи ёки давлат ёрдам берсин» дейишди. Уч хил турфа бу жавоблардан муштарийларнинг ўзлари хулоса чиқарсинлар. Биз эса жавоблардан учинчисига диққатни қаратамиз. Хўш ногиронга ёрдам берадиган яқинлари йўқ бўлса-чи? У ҳолда давлат қандай ёрдам бермоқда?

Олой бозорига кираверишдаги ер ости йўлида ўтириб садақа берганларга «раҳмат» дея чўқиниб қўяётган 80 ёшли рус кампири шундай кунга тушганлардан экан. Унга садақа бергач сўрадим:

— **Фарзандларингиз йўқми!**

— Урушда ҳалок бўлган.

— **Ҳозир қаерда яшайсиз, уйингиз борми!** Қария бир хўрсиниб, «узоқда яшайман», дея қисқагина жавоб қилди.

— **Тошкентда кўпдан буён турасизми!**

— Ўтган йили Эстониядан келиб қолганман...

Мамлакатдаги миллий низолар туфайли бундай бошпанасизлар сони яна ортиб кетди. Маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йил ичида Тошкент шаҳрида туб миллатга мансуб бўлмаганлар сони 1,5—2 баробар ошган. Улуғ Ватан урушидан олдин Тошкентда маҳаллий аҳоли 90 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир 42 фоизга тушиб қолди. Лекин «меҳмон»ларни Ўзбекистоннинг шароити оғир қишлоқларида, жазирама пахта далаларида кундузи чироқ ёқиб ҳам топиш амри маҳол. Кўриниб турибдики, бу одамлар яшашнинг сўнгги чораси сифатида тиланчилик қилишмоқда. Уларнинг кўпи меҳнатга яроқсиз. Энди биз тўрт мучали соғ, лекин ҳеч қаерда ишламайдиган бошпанасиз гадоларни ҳам учратамиз. Улар қандай қилиб бу ҳолга тушишди? Келинг, бу жумбоқнинг тагига етишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Барчага маълумки, қамалиб чиққан кишиларни кўп жойларда ишга олишмайди. Натижада уларнинг ярми пул топишнинг эгри йўлларига киришади, қўлга тушишса яна ахлоқ тузатиш учун қайтадан қамоққа жўнатилади. Иккинчи ярми эса ичкиликка муккасидан кетиб шиша йиғишади, гадолик билан кун кечира бошлайдилар. Қизиқ, нима учун қамалганларни ишга олишмайди? Сабаби оддий, корхона, ташкилот раҳбарлари бундай одамларнинг сидқидилдан меҳнат қилишига ишонишмайди ёки яна бирон жиноят содир этишидан чўчишади. Бизда энди яна бир савол туғилади. Жиноят содир этганлар нима учун жазоланади? Албатта, аҳлоқини тузатиш, жамият учун муносиб шахс қилиб тарбиялаш мақсадида. Қамоқдан қайтганларнинг ахлоқи яхши бўлиши лозим! Унда нега корхоналар ишга қабул қилишмайди, жиноятчининг ахлоқини тузатиши лозим бўлган органларни ўзи бу шахсларни хорижий элга чиқишларини тақиқлайдилар, чўчийдилар. Кўриниб турибдики, бу ерда ишлаб чиқариш раҳбарларининг шубҳаларида жон бор. Чунки ишга олинган бундай шахсларнинг қайта жиноят содир этиши кўплаб учрамоқда. Жазоланиб қайтган одамлар ахлоқини тузатиб эмас, бунинг акси бўлиб қайтмоқда. Демак, ички ишлар органларимиз иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Ички қўшинларда (ВВ) ҳарбий хизматини ўтаб қайтган бир йигит «Зонада бўлсангиз, озодликдагига қараганда тутқунликда (ҳибсда) одамлар кўп экан деб ўйлайсиз», деган эди менга.

Бу қадар кўп одамлар тутқунликка қандай тушишди? Тўғри, улар жиноят қилганлар. Лекин бу жиноятчилар, порахўрлар, фоҳишалар, гадолар жамиятимизда қандай пайдо бўлмоқда? Шу кунгача ўзимиз яратган назариялар бўйича иш юритмадик. Яратган назарияларимиз, чиқарган қонунларимиз фалсафа китобларида, съезд минбарларида қолиб кетди. Мана мисол учун марксизм назарияси бўйича: «ижтимоий турмуш ижтимоий онгни белгилайди».

Бундан кўриниб турибдики, бу шахслар бизнинг жамиятимизда, тузумимиз замирида кўпайиб бораётган экан, одамларни қамаб, жазолаб, тартиб ўрнатиш билан юксак, фаровон жамиятга етишиш мумкин эмас. Чунки хоҳлаймизми, йўқми биздаги ижтимоий турмуш тартибни бузишга мажбур қилади. Шунинг учун энг аввало диққатни жазолашга, тиланчиларни кўчалардан тум-тарақай ҳайдашга эмас, турмушни фаровонлаштиришга қаратмоқ лозим. Ҳозир Иттифоқ бўйича 81 миллионга яқин одам қашшоқликда кун кечирар экан. 1989 йилнинг ўзида СССРдан хорижга доимий яшаш учун 235,4 минг киши чиқиб кетган. Албатта уларнинг мақсади яхши ҳаёт кечириш. Хўш, энди дўппини ёнга қўйиб ўйлаб кўрайлик: нима мақсадда инқилоб қилдиг-у, нималарга эришдик?

Орадан қарийб 73 йил ўтди. Лекин оддий меҳнаткашнинг косаси ҳали ҳам оқаргани йўқ. Ваҳоланки, биз социализм принципи бўйича фаровон, тўла-тўкис бахтли ҳаётга, табақаларсиз — синфларсиз тенглик бўлган жамиятга эга бўлишимиз лозим эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ йўқолиши зарур эди. Ҳозир қишлоқларимизнинг 31 фоизида мактаб, 30 фоизида мактабгача тарбия муассасалари, 33 фоизида маданият ўчоқлари, 82 фоизида маиший хизмат кўрсатиш уйлари йўқ. Бу жумҳуриятимиздаги турмуш тарзи. Иттифоқ бўйича ҳам аҳвол бундан қолишмайди.

Мамлакатнинг бу инқирозини баъзи бир тадқиқотчилар унинг нотўғри тараққиёт йўлидан борганлиги билан баҳоламоқдалар. Иккинчи бир гуруҳ тадқиқотчилар, олимлар эса тузумимиз халқпарвар эканлиги, фақат айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги, биз ҳеч қачон социализмдан воз кечмаслигимиз ҳақида айтишмоқда. Халқ учун ҳаётда энг муҳими нима? Фаровон ҳаёт кечиришми ёки тузум учун курашишми? Қисқаси, биз «изм»лар учун эмас, фаровон ҳаёт учун курашишимиз керак.

Юқорида ижтимоий турмушимиздаги етишмовчиликлар гадолик, ташмачилик, ўғрилик каби оқибатларга олиб келувчи сабаблардан бири эканлигини кўриб ўтдик. Энди бу мураккаб ҳаётда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу йўлга кирганларнинг барчаси учун ҳам ўзга чора йўқ эди, десак, соддалик қилган бўламиз. Жанубий вокзалда юзини рўмол билан тўсган аёл ёнимга келиб садақа сўрай бошлади.

— **Нега ҳеч қаерда ишламайсиз!**

— Ярамайман, ярамайман ишга,— бидирлаб жавоб берди у.

Шу пайт яна бир гадо келиб вокзал хизматчиси бўлган бир йигитдан садақа сўрай бошлади. Бу йигитнинг жаҳли тезроқ экан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ёзилмаган сўзлар билан ҳақорат қила кетди:

— Ўласанми ишласанг, текинхўр!..

Бу икки аёл ҳам соппа-соғ эди. Милиция ходими кўриниши билан чаққонлик қилиб қаёққадир бекиниб олишди.

Хотима сифатида кишини ажаблантирадиган, ўйлантирадиган бир гапни айтмоқчимиз. Тиланчиликни доимий касбига айлантирганларнинг орасида ўзига тўқлари ҳам бор. Муштарийлар ажабланиши мумкин: тиланчида қандай бойлик бўлади деб. Ажабланманг, шундайлар борки, маълум кунларда исқирт, жулдур кийиниб олиб, юзини тўсиб гадолик қилса, бошқа кунлари бунинг роҳатини кўришади. Улар ҳалол меҳнатдан бўйин товлаган, пул топишнинг янги усулини кашф этган ихтирочи текинхўрлардир. Фақир одамлар эса ҳамиша фақир. Фалакнинг гардишини кўрингки, шу гадоларнинг орасида ҳам тенгсизлик бор!

... КУН ПЕШИНДАН оғиши билан тирикчилик ғамида шаҳар кўчаларини тўлдириб юрган одамлар сийраклашиб қолди. Гавжум ер ости йўлида ўтирган гадо ҳам садақа тушмаслигини ҳис этиб, рўмолчасидаги чақа тангаларни йиғиштириб санай бошлади. Тангалари кўзлаган нарсасини олишга етмаса керак, ажин босган башарасини буриштириб оқсоқланган ҳолда кимсасиз бекат томон йўл олди. Энди унинг бутун умиди эртанги кундан эди...

Икром УЛУҒБОЕВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни толиби.

Қўлёзмалар ёнмайди

Ойнасўзни ҳуқуқшунослик фанлари доктори Валерий ЗОРЬКИН ва «Новое время»нинг шарҳловчиси Ростислав ЗОЛОТАРЁВлар олиб боришади.

Асримизнинг яна бир ҳужжати: Сибирда сургунда бўлган Х. Раковский, Н. Муралов, В. Косиор, В. Каспаровалар томонидан 1930 йил апрелида, ВКП (б) XVI съезди арафасида ёзилган «Тўртлар мактуби».

Хатда «социалистик қурилиш» йилларида мамлакатдаги вазиятга баҳо берилади. Муаллифлар социализм қурилишнинг Сталинча бўлган концепциясининг айрим асосларини шубҳа остига олишади. Жумладан социализмни бир мамлакатда қуриш мумкинлиги тўғрисидаги ғояни. Улар тузумнинг «террористик йўналиши»га ўтишини ва партиянинг қайтадан туғилиши сабабини худди ана шунда деб биладилар. Бироқ ленинча меросга қайтиш вазиятни ўзгартириши мумкин деб ҳисоблайдилар... Аммо вақт ўтганди, XVI — «ғолиблар съезди»га ҳам оз қолганди.

Шундай бўлсада, тузумга нисбатан оппозиция мавжуд бўлган ва ушбу ҳужжат кўпгина коммунистлар сталинизмга муқобил ғоя излаганидан гувоҳлик беради. Буни кўпроқ Бухарин номи билан боғлашади, лекин бошқа вариантлар ҳам бор эди... Хатдан кўриниб турибдики, Бухариннинг ўзини ҳам айблашган. Ўша пайтда Николай Ивакович ўз йўналишини бир неча бор ўзгартирган.

Ҳақиқатан ҳам муқобил ғоя бўлганми? Нима, фирқа ичида ҳам Сталин, Троцкий, Раковский, Киров, Бухарин — уларнинг ҳаммаси бир дунёнинг одами, бир ғоянинг издошлари, асар... Раковский ва Бухарин ҳам «неонэп»нинг келажагига бўлган шубҳаси, қулоқ қилишга қарши чиқишлари, баъзан уларнинг жамоалаштириш, худосизлаштириш ва тузумнинг бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларига асосли эътироз билдиришларига сира мос тушмагандай туюлади. Буларнинг ҳаммаси «муқобил фикрлашни» янчиб уларнинг онгига «ўрнашганди». Тузум эса зарба устига зарба берарди.

Раковский 1941 йилда отиб (М. Спиридонова билан бирга) ташланган, Владимир Косиор 1938 йилги қатағонда ўлган, бир йил муқаддам эса Николай Муралов қатл этилганди. Раковский ҳақида ойномамиз бир неча бор ёзган. Уч ака-ука Станислав, Иосиф (қатағон йиллари қурбонлари) ва Владимир. Косиорлар орасида Владимир унчалик машҳур эмас. 1907 йилдан фирқа аъзоси, металлурглар касаба уюшмаси МҚсида ишлаган, 1923-1927 йиллардаги сўл оппозицияда қатнашган. Николай Муралов 1917 йилда Москвадаги қўзғолонга бошчилик қилган, фуқаролар урушида эса шарқий фронтга раҳбарлик қилишда қатнашган. В. Каспарова тўғрисида маълумотлар жуда оз, унинг сўл оппозицияда бўлганлиги, XV съездда партиядан ўчирилганлиги ва қатағон йилларида ўлганлиги маълум холос.

«Тўртлар мактуби» мамлакатимизда илк бор чоп этилмоқда. 1930 йил қишда, хат ёзилгандан сўнг орадан бир неча ой ўтгач уни Л. Троцкий Парижда нашр этаётган «Бюллетен оппозиции» жаридаси босганди. Биз хат матнини бироз қисқартирдик, тўлиқ ҳолда «Дипломатический ежегодник»нинг навбатдаги сонида чиқади. Материални чоп этишга тарих фанлари доктори Вледлен СИРОТКИН тайёрлади.

БИЗ ТАЛАБ ҚИЛАМИЗ...

Х. Раковский, В. Косиор, Н. Муралов, В. Каспарова

Оппозициячи ленинчи-большевиклар 1929 йил 4 октябрда Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссиясига берган баёнотида қишлоқларда ўтказилаётган фавқулодда маъмурий чоралар хусусида фикр юритиб, кейинчалик улар сиёсий хунук оқибатлар келтириб чиқаришини билдирган эди.

Ленин вафотидан сўнг Сталин-Бухарин томонидан олға сурилган ғоя ва қудратли буйруқбозлик аппаратининг меваси бўлган — бир мамлакатда социалистик жамият қуриш тўғрисидаги назария ўта хавфли эканлигидан ўз вақтида огоҳлантиргандик. Биз бу назария ўта номақбул тасаввур ҳосил қилиб, катта қийинчиликларни рўёбга чиқаради ҳамда партия ва ишчилар синфи уни енгишга асло қодир бўла олмай қолади, деб ёзгандик. Баёнотимизда 16-фирқа конференцияси қабул қилган индустрлаштириш ва жамоалаштириш ҳақидаги аслида тўғри қарорларни, бошқарув фақат буйруқбозликдан иборат бўлиб қолса, мутлақо амалга ошириб бўлмаслиги, бу эса социалистик қурилишни инқирозга олиб келишини айтиб ўтгандик.

Биз партиявий ҳамда ишчи демократияни тиклаш ва уни мустаҳкамлаш, ишчилар оммасини унутиб қўйиш ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишга олиб келган юлғичлик, масъулиятсизлик, ўзбошимчалик, аппаратнинг ҳаддидан ошишига барҳам беришини кўрсатиб ўтгандик.

Ўтмишнинг аччиқ сабоғи билан мустаҳкамланган бу танқид хўжалик ва сиёсий инқироз билан ўз иқрорини топди. Зеро, бунинг хунук оқибатлари ҳали олдинда. Шов-шувга сабаб бўлган ялпи жамоалаш ва унинг мудҳиш оқибати сўнг ўзини кўрсатиши мумкин. Сталиннинг 3 мартдаги мақоласи ва 15 мартдаги ўз мурожаати билан биз қўйган айбларга Марказий Қўмитанинг ўзи ҳам имзо чекканди. (Бу ерда гап «Ютуқлардан эсанкираш» мақоласи, бу борадаги Марказий Қўмитанинг қарори ҳақида бораяпти, аммо уни эълон қилиш санаси чалкаш. — Ред.). Жамоалаштиришнинг ялпи барбод бўлишини аппаратнинг қатъиятсизлиги ва сиёсий ҳеч нимага ярамаслигига йўйиш ҳам ўз шахсий камчиликларини тан олиш демакдир, негаки аппаратнинг сифатли иш юритиши раҳбарлик зиммасига тушади...

Биз марксистлар шуни яхши биламизки, хусусий мулкчиликнинг ўзига хос усуллари янгича ишлаб чиқариш муносабатлари асосида бунёд этилиши мумкин. Афсуски, ана шу янгича ишлаб чиқариш муносабатлари ҳозирча йўқ.

Фирқа олдида ортга қайтиш — орқа-олдига қарамай қочиш, тартибсизлик ва фалокат келтириб чиқармаслиги учун нима қилиш керак, деган савол турибди. Ҳозирги вазиятнинг қалтислиги шундаки, бундай ҳол фуқаролар урушидан буён юз бермаган. Партиявий матбуот фирқани ҳеч қандай ҳаётбахш бўлмаган мақтовлар билан руҳлантирмоқда. Биз фирқани эҳтиёт қилмоқчи бўлган энг катта хавф-хатар ҳам шундан иборатки, мураккаб айбларни яшириш учун партиявий раҳбарият сайловларни фирқа съездига тўғриламоқда, съезд эса олдин буйруқбозлик кўриги бўлиши тайин... Ҳар галгидек аппарат бу кулфатнинг охирида бориб, одатдагидек ўз ортидан фирқа раҳбариятини эргаштириб олади.

Шуни тан олиш керакки, камбағаллар иттифоқи ва бир қатор иқтисодий тадбирлар ёрдамида қулоқлар синф сифатида тугатилишга қарши кураш олиб борган қарама-қарши куч (ленинчи-большевиклар) бир мамлакатда социалистик жамият барпо этиш борасидаги оппортунистик ва бюрократик назарияга ўз вақтида зарба бера олмади. Бу назария йўргакда бўлган чоғидаёқ ялпи жамоалаштириш ғояси билан суғорилганди.

Матбуотда ялпи жамоалаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг пайдо бўлиши биланоқ биз — ленинчи-большевиклар, шу жумладан Л. Д. Троцкий ҳам, декабрь ва январь ойидаёқ, бу чақиришнинг ярамас ва ўта бемаъни эканлигидан огоҳ қилган эдик. Биз уни пухта ўйланиб, сўнг ботқоққа сакраш, деб билдик. Юз берган воқеалар биз кутганимиздан ҳам ўлароқ тахминларимизнинг қанчалик тўғрилигини исботлади...

Ялпи жамоалаштириш зарурий эҳтиёж бўлмаганидек, янгича иқтисодий сиёсат ҳам ўта зарур юмуш эмас. Сиёсий ялпи жамоалаштиришни ҳокимият тепасида ўнглар ва марказчилар турган тақдирда амалга оширса бўлади. Худди шундай янгича иқтисодий сиёсатга зарурат оппортунистик сиёсат давом эттирсагина туғилади...

Ўтмишдаги хўжалик инқирозининг ўзига хослиги шундаки, саноат қишлоқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларини тўла қондира олмади. Ҳозирги инқирознинг боиси эса қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларининг кескин пасайиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кескин камайишидадир. Дон етарли миқдорда эмас, устига устак энди гўшт, ёғ-мой, сабзавот, сут маҳсулотлари, мева, шакарнинг ҳам ўрнини босиши даркор. Чорвачиликни тиклаш учун бир неча йил керак бўлади... Озиқ-овқат инқирозининг зўрайиши ҳали олдинда. Балки, у ўзини яқин ойлар ва кунларда кўрсатиб, йиллар давомида кун тартибидан тушмаса керак. Бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиши ва нарх-навонинг тез ўсиб бориши амалдаги иш ҳақининг озайишига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. «Правда»нинг эътироф этишича... ишчилар таъминоти ёмонлашмоқда. Иш ҳақи айрим жойларда камайган. «Центросоюз» нарх-навони пасайтириш ҳақида кўрсатма берган. Аммо бу кўрсатма озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллигидан бамисоли ёғоч оёққа ёпиштирилган ямоқдан фарқи қолмаган. Саноат шаҳарларида озиқ-овқатнинг етишмаслиги йирик марказлардаги саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда...

...Маҳсулот таннархининг кўтарилиб бориши билан бирга қўшимча солиқлар ҳам кўпайиб бораётир. Йилнинг яна бир янгилиги шуки, тамаки, гугурт, шакар, мануфактура, арақ, пиво ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан олинаётган солиқларнинг оширилишидир. Ишчиларни кўплаб ҳуқуқларидан маҳрум этиб, давлат қарзларини тарқатиш ҳам бу борадаги ҳаракатлар сарасига киради...

Бир томондан Иттифоқдаги барча шаҳарларда, жами хўжалик, маъмурий ва жамоат аппарати соҳаларида можароли «моғорбосди»ларни фош этилиши, иккинчи томондан беш йиллик социалистик кадрлар масаласини кўндаланг қўйди. Бу масала ялпи жамоалаштириш мағлубиятидан сўнг янада ўткир тус олмоқда... Аммо бизнинг матбуотимизда кадрлар масаласи нотўғри талқин қилинаётир. Фирқа раҳбарлиги эса уни номигагина, яъни ҳисоб-китоб асосида ташкил қилган ёки бошқаришга мос тушадиган буйруқбозликка хос усулда олиб бораётир. Фирқа амалдорларининг малайига айланган коммунистик фан, бу масалани ўта мавҳум — бамисоли яхши ходим бўлиш учун қанча дори ичиш мумкин, дегандай бўлмағур ҳолда қўймоқда. Масаланинг энг муҳим томони эса — фирқа аппаратини ташкил қилаётган кадрлар ҳақидаги масалани буткул инкор қилмоқда. Нимагалиги маълум. Чунки агар аксинча қилинса, кадрлар масаласи омманинг сиёсий назорати, унинг сиёсий тенглиги, фирқа ва ишчи демократияси масалалари билан чамбарчас боғлиқлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қоларди.

Буюк инқилоб юз берган мамлакатнинг ўрта ҳол деҳқонлари ва камбағаллари: «Агар ҳокимият шуни истаса, унга қарши бора олмаймиз» («Правда») деб турса, у тақдирда омманинг бу ҳожати ҳар қандай ўғрилик, аппаратчиларнинг зўравонлигидан ҳам қўрқинчлидир. Бу кўпгина номуносиб кучларга омманинг сиёсий лоқайдлигидан фойдаланиш имконини бермоқда. Биз ҳар гал аппаратнинг эмас, балки омманинг инқилобий ташаббусига умид болаганмиз. XVIII асрнинг охирларидаги буржуа инқилобчилари ўз вақтида «Маорифий абсолютизм»га ишонилмагандек, биз ҳам маорифий бюрократияга ҳам ишонмаймиз.

Марказий ва ўнг марказий раҳбарликнинг сиёсий «донишмандлиги» шундан иборатки, у оммадаги сиёсий мустақилликни йўқотиш, инсоний қадр-қимматни пастга уриш, инсоний ғурурни йўқотиш билан бирга якка ҳокимлик аппаратини тузиш ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган якка ҳокимлик раҳбарликнинг кун сайин ўзини кўрсатиши учун марказий раҳбарият, айниқса Бош котиб барча имкониятларни ишга солаётир. Партиявий раҳбарликнинг кучи унинг аппаратида бироқ шу билан бирга унинг заиф томони ҳам аппаратдадир. Раҳбарнинг имосига мақтал бўлиб, унинг топширигини бажаришга ҳозир бўлиб турган ходим бошлиқларни уларнинг ўзлари ҳам истамаган томонга бошлаб боради... Бизнинг кўз ўнгимизда ўзининг ички бўлинмаларига эга бўлган бевосита ва билвосита тайинлаш бюрократик равишда юқоридан кўрсатилган ёки ёлғондан сайлаш йўли билан кундан-кунга ўсиб бораётган улкан бошқарувчилар синфи шаклланмоқда. Шахсий мулкнинг ўзига хос шакли ёки бошқача қилиб айтганда давлат ҳокимияти мазкур синф бирлашиши учун катта имконият туғдирмоқда...

Касаба уюшманинг йиллик маблағи 400 миллион сўм бўлиб, унинг 80 миллиони хизмат ходимларини сақлаш учун сарфланаётганини «Труд» рўзномаси ўқувчилари билиши учун фирқа ва касаба уюшма ўртасидаги бюрократиянинг жиққамуштлиги керак экан. Хўш, фирқа, ширкат, хўжалик, жамоа ва давлат хўжаликлари, саноат, маъмурий аппарат ва уларнинг кўп тармоқларини сақлаш учун қанча маблағ кетмоқда? Биз бу ҳақда аниқ у ёқда турсин, ҳатто тахминий маълумотларга ҳам эга эмасмиз. Бюрократия учун албатта ялпи жамоалаштириш ва индустрлаштириш тез суръатлар билан ривожлангани маъқул. Негаки, бу ҳол буйруқбозлар сафини янада кенгайтиради, унинг миллий даромаддаги улушини кўпайтирган ҳолда омма устидан ҳукмронлигини янада оширади.

Марказий раҳбарлик миллий сиёсатда катта ютуқларга эришдик, деб кўрсатади. Албатта, бу афсона. Уни инкор этувчи энг муҳим омил шуки, шу пайтгача Лениннинг миллий сиёсати борасидаги мақолалари фирқадан сир сақланмоқда... Сабаби, оддий: улар ҳозирги ҳукумат тепасида турган раҳбарларнинг миллий сиёсат борасида олиб бораётган ҳаракатларига зид келади...

...Партиявий раҳбариятнинг миллий масаладаги бош йўли ҳамон ўша-ўша оппортунистик, яккаҳокимлик, ёлғон сўзлардан иборат бўлган сиёсатлигига қолиб кетмоқда. У шу билан характерланадики, миллий жумҳуриятларнинг қарашлари асло эътироф этилмайди, уларнинг мустақиллиги, ташаббускорлигига чек қўйилиб, бюрократик марказлаштиришга зўр берилади ва шу йўл билан миллатчи бюрократларнинг янги типи тарбияланадики, улар коммунистик позициядан ўта миллатчилик томонга бир зумда ўтиб кетишлари мумкин. Бюрократия миллий масалага ҳам бошқа масалаларга қарагандек яъни бошқаришга мос келадиган ҳолда қарайди...

Сунъий равишда фирқанинг ичидаги бўлиш авж олдирилди, марказий раҳбарликка қарши турган илғор фикрдаги шахслар қувғин қилинди (жумладан Л. Д. Троцкийнинг олдин якалаб қўйилиши, сўнг қувғинга учраши мисол бўла олади).

Марказий раҳбарликнинг партиявий сиёсати ҳам, заиф иқтисодий сиёсати ҳам Совет Иттифоқини ўз-ўзидан ажралиб қолишига, унинг обрў ва таъсирини камайишига олиб келади. Социалистик қурилишдаги «ютуқлар» фирқа аппаратидаги амалдорлар бошини айлантириб қўйди, империалистларга катта имконият яратди, деган ўтакетган бемаъни назариядан қатъий воз кечмоқ даркор. Буржуазия бизга қарши ҳар қандай камчилигимиздан, жумладан, фирқа аппарати ходимларининг ҳаддан зиёд мақтанчоқлигидан ҳам фойдаланади.

Марказий оппортунизмнинг бюрократик усулларни унинг ўнг ва сўл томонга оғишларини, бошқарувнинг бюрократик усулларини Коминтернга ҳам кўчириш унинг тугашига ва ишчилар синфига таъсирини йўқотишига олиб келиши турган гап... Коминтернни ҳам муддати аниқ кўрсатилган ялпи жамоалаш усулига ўтказиш, аниқ саналари белгиланган инқилобий — курашларни белгилаш Коминтернннинг обрўйини тушириб, буржуазия ҳукуматига ишчилар синфини қисиб қўйишга имкон туғдиради.

Фирқамизнинг таъсири ва раҳбарлиги етиб борган барча соҳада оппортунистик мафкура ва бюрократиянинг кенг қулоч ёйиши шунга олиб келди. Фирқа сиёсатида бурилиш ясаш мумкин бўлган ва 16-Фирқа конференциясида қабул қилинган қарорлар қуруқ ва номигагина бўлиб қолди...

Воқеаларнинг кейинги ривожи фирқа ва мамлакатда кучларнинг қай ҳолда жипслашишига боғлиқ бўлиб қолган. Бу икки омил бир-бири билан боғлиқ бўлсада, аммо алоҳида ҳолда ривожланади. Ишчилар синфи ва омманинг етакчи кучи бўлган фирқа майда буржуазия фалокатини енгиб ўтиши, бутун ҳаракатни пролетариат диктатураси томон бошламоғи даркор...

Сиёсий аҳвол шундан иборатки, партия ўзининг раҳбарлигига ишонмай қўйган. Шунингдек, ишчилар синфи, камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонлар ҳам пролетариат диктатурасига ўз ишончларини йўқотишган. Бир неча ҳафта мобайнида ўз сиёсатини тўхтовсиз ўзгартираверииб раҳбарлик обрўйини йўқотиб қўйди. Партиявий раҳбарлик ишчилар кўз ўнгида фирқа ва касаба уюшмани шарманда қилди. Уларнинг на биринчиси, на иккинчиси пролетариатнинг бюрократиядан ҳимоя қила олди. Аксинча, фирқа ҳам, касаба уюшма ҳам бюрократияга кўмаклашди. Камбағаллар бўлса ялпи жамоалаштиришга ишончни йўқотишди... Яқин келажакда ўрта ҳоллар алоҳида ўрин тутишади.

Ялпи жамоалаштириш деганда ўрта ҳоллар уларни ҳар томонлама талаш ва улар ҳисобига камбағалларни фаровонлаштиришни тушунадиган бўлишди. Ленин ўз вақтида таъкидлаган, фирқа дастурамалида белгиланганидек ўрта ҳолларга жамоалаштиришнинг афзалликларини тушунтириш ўрнига, унга қопқон қўйишмоқда. Бу ҳатти-ҳаракатга улар иш ташлаш ёки жамоа ҳаракатини ичидан кемириш яъни мол-ҳол ва бошқа нарсаларни йўқ қилиш учун жамоа хўжалигига аъзо бўлиш билан жавоб беришяпти. Фирқа олдида турган ҳозирги сиёсий вазифа йўқотилган ишончни тиклашдан иборат. Агар шундай қилинмаса қора кучлар ҳаракатига кенг йўл очилиши мумкин. Агар фирқа, ишчилар синфи ва камбағаллар тутган оппозиция мустаҳкамланмас экан, капитализмга қарши аниқ чоралар билан кураш олиб бориш ҳақида ўйлаб бўлмайди. Бу масалани назарий ҳал этиш осон: чунки гап ишчилар синфи ва камбағаллар ҳақида кетаяпти. Ўрта ҳоллар билан иш олиб бориш мушкулроқ. У инқилобий қонунчилик тикланишидан қониқадими, ёки янги иқтисодий сиёсатнинг йўлга қўйилиши, пролетариат диктатурасига зид бўлган янги талаблар билан чиқадими? Қандай ўрта ҳолдагиларнинг талабини қондириб, қулоқларга қарши курашиш мумкин?

Фирқадаги демократия, қишлоқда ўрнатилган шўро ҳукумати амалдорларнинг якка ҳокимлигига чек қўяди. Фирқа ичида эркинлик барқарор топмас экан, ўрта ҳол ҳеч қачон қонуний ҳуқуққа ишонмайди. Номигагина айтиладиган ёлғон сўзлар вақти ўтди. Пролетариат диктатурасини фақат ҳалол ва сидқидилдан амалга оширилаётган коммунистик сиёсатгина қутқариб қолиши мумкин...

Биз қамоқда бўлган оппозиционерларнинг озод қилиниши ва 58-моддани олиб ташлашни талаб қиламиз. Биз Л. Д. Троцкийнинг сургундан қайтарилиши ва уни фирқага тикланишини талаб қиламиз.

Биз Марказий Қўмитадан оппозициянинг 1927—1930 йиллардаги ҳужжатлари, шунингдек, Лениннинг миллий сиёсат хусусидаги мақолалари ҳамда васияти ошкор қилинишини талаб этамиз. Бу талаблар фақатгина дастлабкиларидир. Фирқа ва ишчи демократия масаласи съезд олдида бўй-басти билан қад ростлаши керак...

Биз Бош котиб вазифасини қисқартирилишини талаб қиламиз. Фирқа котиблари техник вазифалар билан шуғулланиб, сиёсий ишларни бутунлай Сиёсий бюрога топширишлари даркор. Аппарат диктатурасининг ҳозир бош таянчи бўлган ташкилий бюронинг тарқатиб юборилиши ва фирқа аъзолари ўртасидаги ишни тўғри тақсимланишини талаб қиламиз.

Биз Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссиясига сайлашдаги тузум, яъни яширин овоз бериш барча фирқа муассасаларига сайловда қўлланилишини талаб қиламиз.

Биз фирқа аппарати, шунингдек, касаба уюшма, ширкат, давлат муассасаларидаги аппарат ходимлари сонини камайтиришни талаб қиламиз. Бу борада тежаб қолинган маблағларни давлат ва жамоа хўжаликларини мустаҳкамлаш ҳамда қурилиш ва саноатнинг ривожланишига қўлланилишини талаб қиламиз.

Биз ўтган йилнинг 4 октябридаги талабимизни яна қайтарамиз: беш йиллик режаларини ҳар томонлама қайта кўриб чиқиш ва ишчи синфининг эҳтиёжларини тўла ҳисобга олиб тузиш зарур. Ишчилар шароитини яхшилаш мақсадида жамоа шартномаларини ҳам қайта кўриб чиқмоқ даркор... Ўсиб бораётган бюджетни ҳисобга олиб, ойлик маошни оширмоқ керак. Касаба уюшманинг ҳақиқий фаолиятини тиклаш лозим. Қишлоқдаги сиёсат: ялпи жамоалаштиришдан расман воз кечмоқ даркор. Қонунда кўрсатилган айрим ҳоллардан ташқари оммавий қулоқлаштириш ва қулоқларни қишлоқдан бадарға қилиш тўхтатиб турилсин. Бироқ қулоқ қилинганлар эски жойларга қайтиши бундан истисно. Жамоалаштиришга давлатнинг бутун эътиборини қаратиб, унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берилишини таъминлаш лозим. Камбағаллар иттифоқи тузилсин. Бу тадбирлар қишлоқда ижтимоий маданий, солиқ сиёсатини ўтказиш учун сиёсий таянч ҳамда жамоа хўжалиги ҳаракатини сиёсий асосга кўчириш учун даркор...

БИЗ ФИРҚАГА ҳеч қандай янги дастуриламал таклиф қилаётганимиз йўқ. Биз курашларда тобланган ва ғалаба қилган эски дастуриламални ҳамда большевик-коммунистларнинг бош йўлини тиклаш учун курашмоқдамиз, холос.

«Новое время» ойномасининг 1990 йил 25-сонидан олинди.

Хорижддан хабарлар

Келаси ҳафтадаги асосий халқаро воқеалар

11 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

БОЛГАРИЯ парламенти яна иш бошлайди. У ҳукуматнинг янги аъзоларини ва унинг бошлиғини тасдиқлаш, Буюк Халқ мажлиси тўғрисидаги қоидани қабул қилиши керак бўлади. Жумладан, унда фуқароларни парламентда кўрсатма беришга чақиришнинг тартиби келишиб олинади. Шундан сўнг депутатларнинг Тодор Живков маърузасини эшитишлари тўғрисидаги масала узил-кесил ҳал қилинади.

Белградда Жазоир, Ҳиндистон ва Югославия ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлади. Мазкур мамлакатлар ташқи сиёсий идораларининг бошлиқлари Форс кўрфазидаги танг вазиятни ҳал этиш йўлларини муҳокама қиладилар.

Президент Ж. Буш АҚШ конгресси иккала палатасининг қўшма мажлисида нутқ сўзлайди. АҚШнинг ўнта штатида конгрессга бирламчи сайлов бошланади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессияси яна иш бошлайди. Мажлис чоғида кун тартибининг 36-банди — «Намибия тўғрисидаги масала» муҳокама қилинади.

«Кашмирни сақлаб қоламиз» шиори остида кўп минг кишилик юриш бўлиб ўтади. У Умумҳиндистон талабалар уюшмасининг чақириғига биноан Жамму шаҳрида бошланади. Намойиш қатнашчилари миллий бирлик ва мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш, Жамму ва Кашмирдаги айирмачиларнинг кирдикорлари пайини қирқиш учун Ҳиндистондаги барча ватанпарвар кучларни жипслаштиришни ўз олдидаги мақсад қилиб қўйганлар.

12 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

ЁзГИ таътил кунларидан сўнг биринчи марта Польша сеймининг уч кунлик мажлиси очилади. Жумладан, касаба уюшмалари ҳақидаги ва жамоа меҳнат низоларини ҳал этиш тўғрисидаги, Гданьск кемасозлик корхонаси акцияларининг бир қисмини текинга бериш ҳақидаги, чегара хизмати фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳалари дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Сербиядаги олтита оппозициячи партия Белградда норозилик митинги ўказишни режалаштирди. Улар сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасига ўзгартишлар киритилишини, барча сиёсий ташкилотларга жумҳурият ваколат органларида сайлов олди кампанияси чоғида тенг ҳуқуқ берилишини талаб этмоқдалар.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида ирқчилик сиёсати тўғрисида уч кунлик мунозара бошланади. Мажлисларнинг қатнашчилари Бош котибнинг ушбу масалага доир маърузасини муҳокама қиладилар.

Брюсселда Европа ҳамжамиятлари кенгашининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги махсус сессияси ўтказилади. Сессия иккала Германдавлатини бирлаштиришга тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан Германия Демократик Жумҳуриятини «умумий бозор»га қўшиш масаласига бағишланган.

13 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

БЕРЛИНДА Германия Демократик жумҳурияти халқ палатасининг 35-мажлиси бўлади. Кун тартибига бирлашиш тўғрисидаги икки Герман давлати шартномасини муҳокама қилиш киритилган.

НАТО Бош котиби Манфред Вернер Варшавага ташриф буюради.

Президент Ж. Буш АҚШ Конгрессининг раҳбарлари билан бюджет масалалари хусусида учрашув ўтказади.

Европадаги оддий қуролли кучлар юзасидан ўтказилаётган Венадаги музокараларда навбатдаги ялпи мажлис бўлади.

14 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

АҚШ собиқ Президенти Р. Рейган Польшага боради.

Англиянинг Ковентри шаҳрида «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари»нинг конференцияси бошланади.

Парижда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг камроқ ривожланган мамлакатларга бағишланган конференцияси ўз ишини туғаллайди.

Париж яқинидаги Ла-Курнев шаҳарчасида Франция Компартияси «Юманите» рўзномасининг анъанавий байрами очилади. Унда Ғарбдаги мамлакатлар, Шарқий Европадаги баъзи давлатлар, шу жумладан СССР Компартиялари матбуот органларининг вакиллари қатнашадилар.

15 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

БЕРЛИНДА «Сўллар рўйхати — демократик социализм партияси» сайловолди бирлашмасининг конгресси очилади.

АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Германия Федератив Жумҳурияти пойтахтига келади. У ГФЖ раҳбарлари билан Форс кўрфазидаги вазиятни, шунингдек АҚШнинг кўрфаздаги қуролли кучларини маблағ билан таъминлашда ГФЖнинг иштироки хусусида Американинг талабини ҳам муҳокама қилади.

Стокгольмда Швеция социал-демократик ишчи партиясининг 31-съезди очилади. Унда партиянинг 90-йилларга мўлжалланган дастурий ҳужжатлари муҳокама қилинади.

16 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

БЕРЛИНДА Демократик социализм партияси биринчи съездининг иши давом эттирилади. (Унинг биринчи босқичи февралда бўлган эди).

АҚШнинг Коннектикут штатидаги Нью-Хейван шаҳрида шимолий Америка қитъасида биринчи марта шаҳарлар ҳокимларининг халқаро конференцияси бошланади.

(СИТА).

Қутбга саёҳат

— Бу ғаройиб саёҳат бўлди, — дейди 87 ёшли швейцариялик коммерсант Кристиан Штрайфф.

Шундай қилиб «Россия атом музёрарининг ўз ичига 40 сайёҳни олиб, Шимолий Қутбга қилган сафари поёнига етди. Икки ҳафта давом этган мана шу саёҳатда қатнашган ҳар бир йўловчига Ғарбий Олмониянинг пулида 35000 маркага тушди. Саёҳатда тўққиз мамлакат — СССР, ОФЖ, АҚШ, Канада, Франция, Швейцария, Австралия, Саудия Арабистони ва Финляндиядан сайёҳлар қатнашдилар. Жаҳон туристик ҳаракати тарихида ҳанузгача кўрилмаган бу саёҳат унинг ҳар бир қатнашчисида унутилмас таассурот қолдирди.

«Россия» атом музёрарида фақат саёҳат қилишни севувчиларнинг ўзи бўлгани йўқ. Бутун сафар мобайнида атомходдан АҚШ, СССР, Канада, немис ва француз океаншунослари илмий кузатиш ишларини олиб бордилар.

Саёҳатчилар 80-мувозийни кесиб ўтиш пайтида ташкил этилган қувноқ байрамнинг қатнашчилари бўлдилар.



Улар учун расмларнинг ким ошди савдоси ҳамда вертолётларда Қутб оролларига саёҳатлар ташкил этилди. Бундан ташқари денгиз саёҳати қатнашчилари музёрарнинг деярлик барча қисмлари, шу жумладан, реактор қисми билан ҳам батафсил танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Қутб экспедициясига раҳбар бўлган Мурманск денгиз пароходчилиги бошлиғининг ўринбосари Н. Хвошчинскийнинг сўзларига қараганда, бу М. С. Горбачёвнинг Мурманскдаги ташаббусини амалга ошириш йўлида қўйилган дастлабки қадам бўлди. Шунингдек, ғарблик шериклар Шўро атом флоти катта имкониятга эга эканлигига, унинг экологик хавфсизлигига юксак баҳо бердилар. Эндиликда Шимолий Муз океани денгизларида биргаликдаги тижорат ва илмий-тадқиқот ишлари учун катта истиқболлар очилмоқда.

СУРАТДА: экология бўйича миллий институт директори доктор Иброҳим Аълам — сайёранинг ҳар икки қутбига сафар қилган Саудия Арабистонининг биринчи вакили.

С. МАЙСТЕРМАН сурати (СИТА сурат хроникаси).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕТТИ КИЛОМЕТРЛИ ПОЕЗД

● БУНДАЙ «аждарҳо» поездни яқинда Жанубий Африка Жумҳуриятининг Сайшен ва Салдань шаҳарлари оралиғидаги темир йўлда учратишди.

660 вагондан иборат, умумий оғирлиги 70 минг тоннадан ошиқ бўлган бу поезднинг биринчи ва охирги вагонлари ўртасидаги оралиқ етти километрдан зиёдни ташкил этди. Бу ана шундай мусобақалар бўйича янги жаҳон рекорди эди. Аввалги рекорд эса бундан 22 йил муқаддам Американинг Огайо штатида ўрнатилганди. Унда узунлиги олти километр ва оғирлиги 42700 тоннадан иборат бўлган поезд 251 километр масофани босиб ўтган эди.

ЭНГ УЛКАН ҚИРОАТХОНА


● ФРАНЦИЯ Президенти Ф. Миттераннинг кўзга кўринарли лойиҳаларидан бири — дунёда энг йирик қироатхона барпо этишдир. Энг замонавий асбоб-анжомлар ва техника билан жиҳозланадиган бу зиё маскани Парижда қурилади. Бино 7 гектар жойни эгаллайди. Қурилиш ишлари 1995 йилда якунланади.

19 ЮРИШДА МОТ

● ОЛТИ яшарлик англиялик мактаб ўқувчиси Жорж Хассапис америкалик таниқли шахматчи Орест Поповични 19 юришда мот қилди. Шуниси ажабланарлики бунга у борйўғи 10 минут сарфлади, холос. Шундай қилиб, Жорж шахмат усталарини ютган энг ёш ўйинчи деган шарафли номни қўлга киритди. Ўйин Лондондаги Марбл Арг майдонида улкан тахтада ўтказилди ва доналарни у ердан бу ерга кўчириш учун болакайга тахта устига чиқиб юришга тўғри келди. Мутахассислар Жорж шахматдаги бундай муваффақиятга шахсий компьютер билан соатлаб баҳслашиш туфайли эришди, деб ҳисоблашаяпти.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ







СОҲИЛИНГДА ТЎЙЛАР БЎЛСИН, САЙХУНИМ!







ТЎЙНИЯМ БЎЛАДИ, бўладиси қизиқ. Тайёргарлик, ташвиш, югур-югур. Назарингда ул-бул камчилдек. Хуллас, шу ўй билан яшайсан. Вақт соати етгач, ўтадикетади. Сенда қоладигани эса хотира.

Гулистон ноҳиясидаги байрамни ҳам шу тариқа эслаб ўтирибмиз. Мазза қилиб.

Аввало бир фикр. Илк бор Тошкент шаҳридан бошланган рўзномамиз байрамлари нега энди кўпроқ ноҳияларда ўтадиган бўлиб қолди?

Биз кўп йиллар қишлоқни эсдан чиқардик. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар йўқоляпти, деган алдовларга инониб яшадик. Аслида бу гаплар афсона экан. Деҳқон ҳаёти умидсиз, тушкунликда кечарди. Буйруқбозлик, сохта ташаббуслар жонига теккан. План номли занжирнинг исканжасидан қочиб қутула олмасди бечоралар. Уларнинг сафида, даласини дунё англаганлар қанча. Ҳануз ҳам.

Энди-энди ҳаққи-ҳуқуқини таниётган деҳқоннинг хонадонида не аҳвол?

Шу муаммоларни ўрганиш ҳамда қишлоқ аҳлига илиқлик улашиб, маълум дақиқа ташвишлардан чалғитиш ниятида байрамларимизни ноҳияларда ўтказадиган бўлдик. Агар Сирдарёдаям бу тилакни уддалай олган бўлсак кифоя.

Учрашувлар, баҳс, мунозара. Сайхун бўйидаги икки кунда кўп бўлди, улар.

Крупская номли мактаб. Учрашув бошланган манзил.

Ноҳия фирқа қўмитасининг котиби Ҳакимжон Алиқуловнинг қисқа маърузасидан сўнг, илми-толибларга рўзнома фан, мактаб, олий ўқув юртлари бўлимининг мудири Зайниддин Рихсиев, Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти Мухтор Шапсанов, иқтисодчи олим Фарҳод Рўзиевлар қайта қуриш шарофати туфайли юзага чиққан чигалликлар ечими, муаммолар тўғрисида сўз юритдилар. «Шўъла» адабий уюшмаси аъзолари Д. Шокирова, М. Отамирзаевалар ўз ижодларидан намуналар ўқишди.

Шу тариқа корхона, хўжаликлар билан танишув бошланди. Неъматулла Тўхтамишев Навоий номидаги жамоа хўжалигининг бригадири. Унинг ихтиёрида 241 гектар майдон бор. Далаларда 12 турдаги экин ундирилади. Эътибор кўпроқ пахтага қаратилган.

— Ўтган йилдан бошлаб чорва моллари боқишни йўлга қўйдик, — дейди Н. Тўхтамишев. — Ҳозирча ишимиз яхши. 32 тонна сут топширдик. Ҳар литрига 58 тийиндан олаяпмиз. Юмушларимиздаги камчиликлар, тажрибасизлигимиз оқибатида азият чекаётганлигимизниям айтганим маъқул. Ўртача ойлик маошимиз эса 250—300 сўм.

Икки кунда бизни хушнуд этган омил кўп бўлди. Асосийси ноҳияда соғлом муҳит ҳукмрон. Хайрли ҳаракатларнинг йўли очиқ. Кишиларнинг бир-бирига муносабати дўстона. Самимий.

...Кўчалар тўлиб, халқ сайли бошланди. Кимдир қовун харид қилади, бошқасига томоша кифоя. Ясан-тусан ўғил-қизларнинг қийқириқларидан дил яйрайди. Эл эса байрам томошаларига ошиқади.

Учрашувлар, баҳс, ўйинкулги ноҳия ўйингоҳига кўчди. Тантанага келганларни суҳбатга тортаман.

Дилбар НУРМУҲАМЕДОВА, «Гулистон» рўзномасининг ходими:

— Яна бир неча дақиқалардан сўнг «Илҳом» ва «Ижодкор» футбол командаларининг учрашуви бўлади. Натижалар дуранг бўлса, девдим.

— Мен эса хушовоз хонанда, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимовнинг дилрабо куй-қўшиқларини эшитиш тилагида келдим. «Файзулло бобо», «Самарқандга борар бўлсам» ашулаларини қайта-қайта тингласам.

Ҳисобчи Хосиятхон СУЛТОНОВА сўзини «Ёш ленинчи» ҳақидаги фикри билан якунлади.

— Ҳамиша рўзномангизнинг дадил чиқишларига маҳлиёман. Бежиз уйимизда унинг икки йиллик тахламини асрамаймиз. Қиммат бўлгани билан янаги йилдаям «Ёш ленинчи»га ёзилишимиз аниқ.

Ўйингоҳ узра шеър янграйди. Юрак туғёнлари Ўзбекистон овознигори режиссёри Қурбонали Искандаров талқинида янада жарангдор, мазмунли. Унга СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, шоир Мухторали Носиров ўқиётган битиклар ҳамоҳанг.


Давра сув қуйгандек жимжит. Элнинг суюкли ҳофизи куйлаяпти. Мусиқий тўлқинларида чайқала-чайқала.

Гулдурос қарсак, олқишлар. Маҳмуджон Азимов даврани ўйинга чорлайди...

Бир пайт даврабоши эълон ўқиб эшиттиради. «Ўшлик жабрдийдаларга эҳсон йиғилаётибди».

Жаббор ХУЖАБОЕВ, ҳайдовчи:

— Халқ йиғилган бу катта сайлдан фойдалансак, ёмонми? Юртдошларимиз Ўшда жабр кўришса-ю, биз кўмак бермасак. Элпарвар рўзноманинг оммавий байрамида шу хайрга қўл урдик. Кишилар кўнглида борини ҳадя этишяпти.



Кўмак жамғарилган қопни титкилайман. Ҳар-хил кийим-бош. Ҳатто айримлар боласига кичик келиб қолган оёқ кийиминиям берибди. Баъзилар келинлик матосини!

Ўша куни 596 сўм 40 тийин йиғилди. Беш яшар **Отабек Низомов, Мардонбек Султоновлар** ҳамёнларидаги 40 тийинни иниларига илиндилар.

—Бундай учрашув ва мулоқотлар ноҳиямиз аҳолисининг руҳига руҳ, кучига куч қўшади, — дейди ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Тоштемир Исмоилович Исмоилов. — Зеро, ижтимоий турмушимизда матбуотнинг ўрни ошиб бораётган бир даврда бу нарса янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Ўйлайманки, «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон физкультурачиси» ҳамда «Гулистон» рўзномаларининг биргаликдаги байрами таассуроти кўп йиллар оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Бир дақиқа ўйингоҳ сеҳргар ихтиёрида бўлди. Жонсиз таёқнинг рақс тушаётганидан ҳамма ҳайрон. Болалар ҳаяжонда.

Бутуниттифоқ цирк санъати янги асарлари кўриги лауреати, Японияда бўлиб ўтган йог санъати Бутунжаҳон анжуманининг олтин маъбудаси совриндори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Фурқатжон Юнусовнинг сирли томошаларидан бир кўриниш эди бу.

«Илҳом» ва «Ижодкор» футбол командаларининг беллашувларидан сўнг (ҳисоб 1:2) байрам томошалари поёнига етди.

— Хуш кўрдик! — деди вилоят комсомол қўмитаси котиби Равшан Қўчқоров.

Дўст, танишлар билан хайрлашиб ортга қайтдик. Соҳилингда тўйлар бўлаверсин Сайхуним!

Қурбон ЭШМАТ,
Сувонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Еркабой БОТИР ва Муҳаммад АМИН суратга олган.






УЧРАШУВДА ЎҚИЛГАН ШЕЪР

МЕНГА ҚАЛБИНГ ОЧ

Олислардан келган ўзинг-ку.
Сўнг қошимда бир гул бўлиб,
Илҳом берган ширин сўзинг-ку.
Менга бериб бутун шодликни,
Бугун сенинг кўзларингда ёш.
Тақдим қилиб менга борлиқни,
Қолдирмабсан ўзингга бардош.
Ҳатто дунё суянчга муҳтож,
Садқаи кўз ёшларинг кетсин.
Кел дўстгинам менга қалбинг оч,
Сенинг дардинг қалбимга ўтсин.
Розидурмен шерик бўлмоққа,
Бу дунёнинг ғами қийнаса.
Таслим бўлма дўстим қийноққа,
Дардкаш топмай юрак ўртаса.
Тушларимда қалдирғоч бўлиб.


Қурбонали ИСКАНДАРОВ.

«Ёш ленинчи» таҳририяти Гулистон ноҳиясида рўзномалар байрамини мазмунли ўтказишда фаол иштирок этганлиги учун Сирдарё вилоят комсомол қўмитасига, Гулистон ноҳия фирқа ва комсомол қўмиталарига ҳамда касаба уюшмалари ноҳия физкультура ва спорт кўнгилли жамиятига ўз миннатдорчилигини билдиради.









12 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.00 «Ишбилармон одамлар». Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1-серия. 14.10 «Сув кетар, тош қолар». Телефильм («Ўзбектелефильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Сеҳрли самовар». Мультфильм. 18.20 «Футбол чорраҳаларида». 18.55 «Фанга бағишланган умр». Профессор F. Каримов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.50 Дутор ва танбур тароналари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Мулоқот». Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги Давлат автоинспекцияси бошқармасининг раҳбарлари телетомошабинларнинг саволларига жавоб берадилар. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Сиз ҳам осмонни кўрасиз». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Мансур Тошматов куйлайди». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Табиатни асрайлик» (рус тилида). 19.10 «Соҳиллар». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 10.05 «Саёҳатчилар клуби». 11.05 «Бу бўлган... бўлганди...». 11.25 Ҳужжатли фильмлар: «Ферма», «Қариялар, сиз кимга тегишлисиз?». 12.00 «Вақт». 12.40 В. Чайковский. Симфоник оркестр учун поэма (Ф. Достоевский романидан таъсирланиб).

* * *

15.00 «Автошаҳарчада спорт фестивали». Ҳужжатли фильм. 15.20 «Болдино кузи». Концерт программаси. 15.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 16.50 Ёшлар фольклор дастасининг чиқиши (Краснодар). 17.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Жуковский диёрида» (Свердловск). 18.00 «Вақт». 18.30 И. С. Бах. Бранденбургча 4-концерт. СССР Давлат камер оркестри ижро этади. 18.55 «Қаҳрамон йўқлигидаги гап». М. Н. Ермолова номли театрдаги можаро. 19.15 Долзарб интервью. 19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Норвегия терма командалари.В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 23.00 МТнинг «олтин хазина»сидан. И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 23.50 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси.

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи». 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 3-синф. Мен ўрмон бўйлаб бораман. 9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Физика. 7-синф. Салом, физика. 11.05 Рус тили. 12.05 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.10 СССР Давлат академик Большой театрида И. С. Козловскийнинг юбилей кечаси. 14.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Карино». 2-серия.

* * *

16.30 «Чойнакдаги шерча». Мультфильм. 16.40 «Шундай бўлади». Рус қишлоқларининг тақдири ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 17.10 Ф. Ҳурматова раҳбарлигидаги чолғу дастаси чалади. 17.35 «Москва — Брюссель антикўприги». 3-кўрсатув. 18.00 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Телевизион мусиқий абонемент», Композитор Р. Шчедрин билан концерт-учрашувда. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Жу-жу-жу». Мультфильм. 19.45 Коллаж. 19.50 «Райнис. Бўроннинг бошланиши. 1905 й.». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Москва кузи» XI совет мусиқасининг концерти. 21.10 **СССР Олий Советн сессиясининг кундалиги.** 23.10 «Иш судга оширилади». Телевизион бадиий фильм («Грузия-фильм»).

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23571.